

**Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 33-сонли давлат  
мактабгача таълим ташкилотида аутсорсинг усулида соғлом  
овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисида  
10-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил 10 январ

Қарши шаҳар

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган “Вакт завки” Ф/Х номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари **С.Джураев** бир томондан, матнда кейинги ўринларда буюртмачи дебаталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи **Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими** номидан мудир **Б.Муминов** иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) қуидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

### I. Шартноманинг предмети

Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги **33-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида** рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети хисобланади.

Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) кунлик таомнома 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

Шартнома қиймати давлат мактабгача таълим ташкилотида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ **20 851 800** сўмни ташкил этади.

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага кўшимча келишув тузилади.

Тарбияла нув-чилар сони	СанҚваM бўйича бир нафар болани бир кунлик овқатлантири ш харажати*	Шартнома амал қилиш муддати давомида иш кунлари сони	Жами харажат	Устама (ККС билан)		Шундан ККС (15%)	Шартноманин г умумий қиймати
				устама 20%	сумма		
1	2	3	4=1*2*3	5	6=4+5+7	7	8=4+6
50	15 110	20	15 110 000	3 022 000	5 741 800	2 719 800	20 851 800
<b>Жами</b>	<b>X</b>	<b>X</b>	<b>15 110 000</b>	<b>3 022 000</b>	<b>5 741 800</b>	<b>2 719 800</b>	<b>20 851 800</b>

\*) Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати хисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида рўйхатда турувчи тарбияланувчилар сони - **50 нафар**, шундан бир нафар бир кунлик овқатлантириш харажати – **15 110** сўмни ташкил этади.

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати хисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Амалдаги санитария қоидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёrlаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши хисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзgartiriшлар киритилиши мумкин.

### II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

Аутсорсернинг хукуклари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинга фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товорлари ва мебелидан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни sogлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 кунлик намунавий таомномалар асосида худудий давлат санитария эпидеомиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

Буюртмачининг ҳукуқлари:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена талблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлаш.

Буюртмачи қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар хисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинга фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товорлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига қонунчиликда тақиқланмаган бошқа мажбуриятларҳам юкланиши мумкин.

### **III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш**

Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиқсан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

Аутсорсер ҳар 10 (ўн) кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб 15 фоиз микдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

#### IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

Аутсорсер қуидагиларга жавобгардир:

овқатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овқат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгиловчи бошқа хужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овқатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овқатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айнигандан ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овқатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкини бутсақланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи хужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

Буюртмачи қуидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоқлари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган микдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга..

Аутсорсер томонидан овқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширмаса ёки Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.5 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

## V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

## VI. Бошқа шартлар

Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли ҳудуддаги иқтисодий судлар орқали ҳал этилади.

Шартномани ўзgartириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

## VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 январга қадар амалда бўлади.

## VIII. Томонларнинг реквизитлари

**Аутсорсер**

**«Вакт-Завки» МЧЖ**

Манзили: Карши ш 4 м/т Чулкувар МФЙ  
Тел/факс: +99891 954-83-97  
Х/р: 20208000400828103001

Банк: Карши шаҳар ЎзСКБ  
МФО: 00854

ИНН: 305214623

**ZAVQI**

MAS'ULIYATI  
CHEKIMIYATI  
JAMYATI

Rahbar:

Жураев



**Буюртмачи**

**Қарши шаҳар Мактабгача таълим бўлими**

Манзили: И.Каримов кўчаси 405 уй  
Тел/факс: (55) 401 21 67  
Ш/хр: 400522860104017091100251040  
ИНН: 305154445 ОКОНХ: 85100  
Уз. Рес. Молия вазирлиги Газначилиги  
Х/р: 23402000300100001010  
ИНН: 201122919 МФО: 00014  
Банк : Тошкент ш Марказий банк XKKM

Рахбар:



Б.Муминов

**2022 йил 10 январдаги  
10-сонли шартномага  
1-ИЛОВА**

**Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчининг  
бир кунлик овқатлантириш харажати  
ХИСОБ-КИТОБИ**

<b>T/p</b>	<b>Махсулотлар номи</b>	<b>Нархи (сўм)</b>	<b>Микдори (грамм)*</b>	<b>Суммаси** (сўм)</b>
1.	Нон 1-навли (витамин ва минераллар билан бойитилган)	3 000	0,100	300
2.	Бўғдои уни 1-навли	2 485	0,030	75
3.	Мевали кисел тайёрлаш учун крахмал	20 000	0,003	60
4.	Ёрмалар, макарон махсулотлари жумладан, мош	18 000 12 500	0,048 0,03	864 375
5.	Шакар	9 100	0,03	228
6.	Қандолат махсулотлари (мураббо, джем, гематоген ва бошқ.)	16 000	0,010	160
7.	Сарёғ	45 000	0,02	900
8.	Ўсимлик ёғи	18 500	0,008	148
9.	Табиий сут	6 000	0,200	1 200
10.	Кефир, йогурт	9 500	0,100	950
11.	Сметана	12 000	0,01	60
12.	Творог	21 000	0,02	420
13.	Пишлоқ	36 000	0,01	360
14.	Гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қуён гўшти)	61 000	0,080	4 880
15.	Балиқ (тозаланган ва музлатилган)	32 000	0,02	640
16.	Тухум (дона)	1 000	0,5	500
17.	Картошка	4 600	0,120	552
18.	Сабзавотлар жумладан, томатпаста	3 000 17 000	0,18 0,05	540 850
19.	Мевалар, мева шарбатлари, витамишли ичимликлар	5 000	0,150	750
20.	Куруқ мевалар	18 000	0,010	180
21.	Чой	34 000	0,0003	10
22.	Какао	38 000	0,002	76
23.	Йодланган туз	1 200	0,005	6
24.	Ачитқилар (дрожлар)	27 000	0,001	27
	<b>Жами</b>	<b>X</b>		<b>15 110</b>